

“ҚЎҚОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри,
Т.Малик кўчаси 83-уй

2023 йил 7 март

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Фарғона вилояти, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Т.Малик кўчаси 83-уйда “Қўқон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 1 390 464 донани ташкил этади.

“Қўқон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг мазкур навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) кузатув кенгаши қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 1 март.

Жамиятнинг Бош директори Д.Шералиев йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Маҳкамов Абдуҳалим – “Қўқон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси, “Фарғонапахтасаноат” ҲБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. Саминов Муроджон – Жамият акциядори Мамажонов Олимжон Саминовичнинг ишончли вакили;

3. Ҳакимов Дилшоджон – “Қўқон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси, жамият акциядори Соткинов Саминжон Абдиманноновичнинг ишончли вакили.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб жамият кузатув кенгаши раиси А.Маҳкамов ва йиғилиш котиби этиб жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати ходими А.Сайдалиев сайланди.

Шунингдек, кузатув кенгашининг 2023 йил 14 февралдаги мажлисида овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун уч кишидан иборат, яъни жамият катта ҳисобчилари Маҳмудова Мавлудахон Раҳматовна ва Расулова Мукаррамхон Ақромовна ҳамда жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати ходими Сайдалиев Аъзамжон Адхамовичлар санок комиссиясига тавсия этилган.

Йиғилишни, раислик қилувчи А.Маҳкамов очди ва йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси А.Сайдалиевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 1 март ҳолатига шакллантирилган “Қўқон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1 168 та акциядорга тегишли 1 390 464 дон акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан

Ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 117 161 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **80,34** фоизини ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Д.Шералиев – “Қўкон пахта тозалаш” АЖ Бош директори.

А.Холиқов – жамият бош ҳисобчиси.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Маҳкамов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сонли “Пахта-тўқимачилик Кластерлари фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Маҳкамов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2023 йил 14 февралдаги мажлисида овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун уч кишидан иборат, яъни жамият катта ҳисобчилари Махмудова Мавлудахон Рахматовна ва Расулова Мукаррамхон Ақромовна ҳамда жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати ходими Сайдалиев Аъзамжон Адхамовичлар санок комиссиясига тавсия этилганлигини таъкидлади.

Санок комиссияси таркибига тавсия этилган жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати ходими А.Сайдалиевни санок комиссияси раиси этиб ва жамият ҳисобчилари М.Махмудова ва М.Расуловани санок комиссияси аъзолари этиб тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100 %) 1117161 та овоз; “Қаршилар” ва “Бетарафлар” – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:
 - 1) А.Сайдалиев – санок комиссияси раиси;
 - 2) М.Махмудова – санок комиссияси аъзоси;
 - 3) М.Расулова – санок комиссияси аъзоси.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Маҳкамов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги 3 та масала бўйича маърузачиларга – 5-10 (беш-ўн) дақиқа оралиғида муҳокама учун вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100 %) 1117161 та овоз; “Қаршилар” ва “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият йиғилиш раиси А.Маҳкамов сўзга чиқиб, куйидагиларни маълум қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорига асосан “Кўкон пахта тозалаш” АЖ ҳамда унга қаршли “Янгиқўрғон”, “Янги ҳаёт”, “Бачқир” ва “Бувайда” пахта қабул қилиш масканларини баҳоланган қийматда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан тўғридан-тўғри “Prof Tekst Plyus” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига сотиш белгиланган.

“Кўкон интел баҳо” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан 2021 йил 4 декабрда “Кўкон пахта тозалаш” АЖ ҳамда унга қаршли “Янгиқўрғон”, “Янги ҳаёт”, “Бачқир” ва “Бувайда” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари 46 061 847 292 сўмга (бино-иншоотлари 30 595 599 918 сўмга ва асбоб-ускуналари 15 466 247 374 сўмга) баҳоланган. Баҳолаш ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисида “Консервис” МЧЖ томонидан 2021 йил 6 декабрда экспертиза хулосаси берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори 5-бандига кўра, “Ўзпахтасаноат” АЖга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига сотиш назарда тутилган пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов масканларининг баҳолаш қийматидан бир йил мобайнида тўланганда - 50 фоиз миқдорида, икки йил мобайнида тўланганда - 40 фоиз миқдорида, уч йил мобайнида тўланганда - 30 фоиз миқдоридаги чегирмаларни тақдим этиш масаласида пахта тозалаш заводларининг бошқарув органларида ташаббус билан чиқиш тавсия этилган.

Бунда пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов масканларининг чегирмаларни ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси уларнинг баланс қийматидан паст бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

“Prof Tekst Plyus” МЧЖ 2023 йил 13 февралда 30-сонли хат билан “Кўкон пахта тозалаш” АЖга мурожаат қилиб, “Кўкон пахта тозалаш” АЖ ҳамда “Янгиқўрғон”, “Бачқир”, “Бувайда” ва “Янгиҳаёт” пахта қабул қилиш масканларини “Кўкон интел баҳо” МЧЖ томонидан аниқланган нарх асосида, тўловларни бир йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан олди-сотди шартномаси тақдим қилиниши сўралган.

“Кўкон интел баҳо” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан “Кўкон пахта тозалаш” АЖ ҳамда унга қаршли “Янгиқўрғон”, “Янгиҳаёт”, “Бачқир” ва “Бувайда” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари **46 061 847 292 сўмга** баҳоланган, мулкларни баҳолаш қийматининг 50 фоизи **23 030 923 646 сўмни**, баланс (қолдиқ) қиймати эса **3 016 683 120 сўмни** ташкил этади.

Бундан ташқари, “Кўкон пахта тозалаш” АЖнинг молиявий ҳолати барқарор бўлиб, 2023 йил 1 февраль ҳолатига дебитор қарздорлиги **25 187,2 млн. сўм** ва кредитор қарздорлиги **200,4 млн. сўмни** ташкил этади.

Муҳокамалардан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори 5-бандига асосан ҳамда “Prof Tekst Plyus” МЧЖнинг 2023 йил 13 февралдаги 30-сонли мурожаатини инобатга олиб, “Кўкон пахта тозалаш” АЖ ҳамда унга қаршли “Янгиқўрғон”, “Янги ҳаёт”, “Бачқир” ва “Бувайда” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулкларини (бино-иншоотлари ва

асбоб-ускуналари) бир йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан, баҳоланган қийматининг 50 фоизи миқдорида чегирма қўллаб (23 030 923 646 сўм), қўшимча қиймат солиғи (2 763 710 838 сўм) билан жами **25 794 634 484 сўмга** тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан, “Prof Tekst Plyus” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига сотиш таклиф этилди.

Акциядорлардан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100 %) 1117161 та овоз; “Қаршилар” ва “Бетарафлар” – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори 5-бандига асосан “Кўкон пахта тозалаш” АЖ ҳамда унга қаршли “Янгиқўрғон”, “Янги ҳаёт”, “Бачкир” ва “Бувайда” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари (бино-иншоотлари ва асбоб-ускуналари) бир йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан, баҳоланган қийматининг 50 фоизи миқдорида чегирма қўллаб (23 030 923 646 сўм), қўшимча қиймат солиғи (2 763 710 838 сўм) билан жами **25 794 634 484 сўмга** тўғридан-тўғри “Prof Tekst Plyus” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига сотилсин.

2. “Кўкон пахта тозалаш” АЖ Бош директори Д.Шералиевга “Кўкон пахта тозалаш” АЖнинг бино-иншоот ва асосий воситаларини сотиш бўйича “Prof Tekst Plyus” МЧЖ билан белгиланган тартибда олди-сотди шартномасини тузиш вазифаси юклатилсин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Маҳкамов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи



A. Mahkamov

А.Маҳкамов

Йиғилиш котиби

A. Saydaliyev

А.Сайдалиев

Йиғилиш баённомаси 2021 йил

07

март куни икки нусхада тузилди.